

2-1-2018

ISSUES OF APPLYING ELECTRONIC LABOR BOOKS IN PENSION SYSTEM

G. Kasimova

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Kasimova, G. (2018) "ISSUES OF APPLYING ELECTRONIC LABOR BOOKS IN PENSION SYSTEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 1 , Article 14.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss1/14>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

**Касимова Г.А. – ТМИ,
фахрий профессори, и.ф.н.,**

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ЭЛЕКТРОН МЕҲНАТ ДАФТАРЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада Ўзбекистон Республикаси пенсия таъминотида ахборот-коммуникация тизимларидан фойдаланиш, Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш масалалари ўрганилган. Хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, давлат пенсия таъминотини такомиллаштириш юзасидан электрон меҳнат дафтарларини жорий қилиш бўйича таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: Пенсия жамғармаси, ижтимоий сиёсат, ижтимоий соҳа, ижтимоий ҳимоя, давлат мақсадли жамғармалари, пенсия тизими, пенсия таъминоти, молиявий назорат, электрон меҳнат дафтари, ахборот, ахборот комуникация тизими, меҳнат стажи.

В статье рассматриваются вопросы использования информационно-коммуникационных систем в пенсионной обеспечения в Республике Узбекистан, формирование централизованного электронного реестра индивидуальных выплат страховых выплат в Пенсионный фонд. Используя опыт зарубежных стран, приводятся рекомендации по внедрению электронных трудовых книжек по улучшению государственного пенсионного обеспечения.

Ключевые слова: Пенсионный фонд, социальная политика, социальная сфера, социальная защита, государственные целевые фонды, пенсионная система, пенсионное обеспечение, финансовый контроль, электронная трудовая книжка, информация, информационно-коммуникационная система, трудовой стаж.

The article discusses the use of information and communication systems in the provision of pensions in the Republic of Uzbekistan, the formation of a centralized electronic register of individual payments of insurance payments to the Pension Fund. Using the experience of foreign countries, recommendations are given on the introduction of electronic labor books to improve the state pension provision.

Key words: Pension fund, social policy, social sphere, social protection, government trust funds, the pension system, pension provision, financial control, electronic labor book, information, information and communication system, working experience.

Ҳукуматимиз томонидан Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда знада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда инсон омилининг ҳал қилувчи куч сифатида амал қилиши ва изчил равишда ривожланиб бориши учун қулай шарт-шароитларни яратадиган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, аҳамиятга молик улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “...Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак ва бу ҳақиқатни, аввало, барча бўғиндаги раҳбарлар яхши тушуниб олиши зарур”[1].



1-расм. “Электрон ҳукумат” тизими имкониятлари[2]

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, “Электрон ҳукумат”ни шакллантириш, умуман “Ахборотлашган жамият”ни қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий ва услубий базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Электрон

ҳукумат” тизими янада такомиллаштирилмоқда, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятлари оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги 1989-Қарорига биноан “Электрон ҳукумат” тизимини жорий этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари яратилди. “Электрон ҳукумат” – давлат органларининг жисмоний ва юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан давлат хизматлари кўрсатишга доир фаолиятни, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорлик қилишни таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар ва техник воситалар тизими ҳисобланади. Мазкур Қонун билан бирга давлат бошқарувида замонавий ахборот тизимларини жорий этиш ва “Электрон ҳукумат” тизимини шакллантиришга оид барча масалалар миллий қонунчилигимиздаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги Қонунлар шу жумласидандир.

“Электрон ҳукумат” инфратузилмасида ягона Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида мамлакатимизда давлат бошқаруви тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, “Электрон ҳукумат”ни шакллантириш, умуман “Ахборотлашган жамият”ни қарор топтириш муаммоларини тадқиқ этиш, ягона интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимининг ҳуқуқий ва услубий базасини яратиш устида чуқур илмий изланишлар олиб борилмоқда. “Электрон ҳукумат” тизими янада такомиллаштирилмоқда, давлат хизматлари кўрсатишнинг самарадорлиги ва сифатини яхшилаш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг улардан фойдаланиш имкониятлари оширилмоқда. Интерактив давлат хизматларини кўрсатиш портали амал қилади. “Электрон ҳукумат” билан мулоқатга киришган фуқаролар ҳуқуқларини таъминлашнинг кафолатлари белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 18 февралдаги “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури тўғрисидаги” ПҚ-2302-сон қарори ва “Кексаларни эъозлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Республика комиссияси йиғилишининг 2015 йил 23 февралдаги йиғилиши 14-сон баёни асосида кекса фуқаролар учун махсус “Nuroniy.uz” интернет-портали ишлаб чиқилди. Ушбу интернет-порталнинг яратилишидан асосий мақсадпенсияга оид қонун ҳужжатлари, пенсия тизимидаги янгилик ва имтиёзлар, маслаҳат ва бошқа маълумотлар тўғрисида хабардор қилишнинг самарали тизимни ташкил этиш

ҳамда кексалар учун ижтимоий тармоқ яратиш ҳисобланади.

Пенсия – уни олиш ҳуқуқи Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ аниқланадиган ҳамда шахсларга пенсия ёшига тўлиш, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўловидир. Ўзбекистон Республикасида ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига: эракалар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда; аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, меҳнат дафтарчаси иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси ва унда иш стажини тасдиқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомда кўрсатилган. Иш стажи - меҳнат дафтари ва иш жойидан, хизматдан, ўқишдан ёки архивдан берилган бошқа ҳужжатлар бўйича аниқланган, ишдаги танаффуслардан қатъи назар, қонун ҳужжатларига мувофиқ пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолияти ва бошқа фаолиятнинг умумий давомийлигидир. Махсус иш стажидан иқтисодиётнинг муайян тармоқларида, касблар ва лавозимларда қонун ҳужжатларига мувофиқ имтиёзли пенсия таъминоти ҳуқуқини берадиган меҳнат фаолиятининг давомийлиги тушунилади. Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобварақлар ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари, архив маълумотномалари қабул қилинади. Маълумотномада ишга қабул қилиш тўғрисидаги, иш (лавозим) бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги ва асослари кўрсатилган ҳолда, меҳнат шартномасининг тўхтатилиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак. Маълумотнома ташкилот ёки архив раҳбари, маълумотномани тайёрлаган ходим томонидан имзоланади ва маълумотномани берган ташкилот ёки архивнинг муҳри билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида “Электрон ҳукумат” тизими, шу жумладан бошқарув жараёнлари шунингдек, бизнес соҳасидаги ва фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқишни жадаллаштиришга ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларини интеграция қиладиган миллий тизимни яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозим”[3] деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини знада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1730-сонли қарорига мувофиқ давлат пенсия таъминоти тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, комп’ютер техникаси ва телекоммуникация воситалари жорий этилди. Пенсия ва нафақаларни ҳисобга олиш, тайинлаш ҳамда тўлашни ташкил этиш, замонавий инновацион дастурий маҳсулотларидан фойдаланиш орали Пенсия жамғармасининг барча таркибий бўлинмалари ўртасида самарали электрон ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, “Пенсия” дастурий мажмуи шулардан биридир.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 24 майдаги “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4760-сон Фармонигаасосан, 2019 йил 1 январдан республикада “Электрон меҳнат дафтари” тизими жорий этилади. Барча керакли маълумотлар “электрон меҳнат дафтари”га қайд этилади. 2018 йилнинг 1 январидан бошлаб касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг барча ўқувчилари, уларнинг ҳар бирига солиқ тўловчининг индивидуал рақами берилди ва электрон рақамли имзо (ЭРИ)ни тегишли тўловни ундирмасдан берган ҳолда, солиқ тўловчи сифатида давлат солиқ органларида рўйхатга қўйилади. Ўзбекистонда 2019 йилдан бошлаб эски кўринишдаги меҳнат дафтарлари берилиши тўхтатилади. Ўзбекистонда меҳнат стажи ва ижтимоий суғурта бадаллари электрон ҳисобини юритишга ўтилиши муносабати билан 2019 йил 1 январдан бошлаб биринчи бор ишга жойлашаётган ходимларга анъанавий меҳнат дафтарлари берилиши тўхтатилади. “Электрон меҳнат дафтарлари”даги ёзувлар меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотномага тенглаштирилади. Шу билан бирга, ходим илтимосига кўра унинг анъанавий меҳнат дафтарида қайдлар 2021 йил 1 январгача киритиб борилиши мумкин, бироқ шундан сўнг улар ходимларга сақлаш учун топширилади. “Электрон меҳнат дафтарлари” куйидаги маълумотларни ўз ичига олади: ходимнинг паспорт маълумотлари; СТИР (ИНН) ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тўлови бўйича индивидуал рақами (ПТИР); таҳсил тўғрисидаги маълумотлар. Фармонда аҳолини ишга жойлаштириш соҳасига илғор жаҳон тажрибасига мос замонавий технологияларни жалб этишни кенгайтириш мақсадида 2019 йилдан бошлаб ходимларнинг меҳнат фаолияти даври, махсус стажи ва давлат ижтимоий суғуртасига тўлаган тўловлар миқдори бўйича ишончли маълумотни ҳамда ходимнинг касбий ўсишига доир бошқа маълумотларни ўз ичига олган “электрон меҳнат дафтари” тизимини босқичма-босқич жорий этиш кўзда тутилган.

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида меҳнат дафтарлари ўрнига солиқ тўловчилар, ишчи-ходимларучун меҳнатни ҳисобга олишнинг электрон тизимларидан фойдаланилади. “Бугунги кунда меҳнат дафтарлари фақат МДХ мамлакатларида ишлатилади, Германия, Италия, Австрия, Франция каби мамлакатларда меҳнат карточкаларидан фойдаланилади. Россия Федерациясида 2018 йил 1 январдан “электрон меҳнат дафтари” амалиётга киритилади, лекин, бу ҳолат бўйича иш берувчилар ва профсоюзлар турли позицияларда бўлиши мумкин»[4].

Испанияда “Vida Laboral”(меҳнат ҳаёти) деб номланган электрон тизим амалиётга киритилган, тизимда ишчи-ходимнинг ишга кириши ва ишдан бўшаши, мажбурий суғурта бадалларининг ҳолати қайд қилинади. Барча маълумотлар Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий суғурта фондига автоматик равишда тушади. Лекин АҚШда ҳам бандлик тўғрисидаги маълумотларни қайд қилинадиган алоҳида махсус электрон тизим йўқ. Иш берувчилар электрон тизим ўрнига иш кидирувчилардан резюме, таълим бўйича гувоҳнома, охириги иш жойидан тавсифнома талаб қиладилар. Агар тақдим этилган маълумотларга нисбатан шубҳа туғилса, ишчи-ходим тўғрисидаги маълумотлар билан Миллий хавфсизлик шуғулланади. Фуқаронинг меҳнат биографияси суғурта бадалларига асосан солиқ органларида қайд этилади.

Германия, Дания, Болгария, Болтиқ бўйи мамлакатларида ишчи-ходимлар янги ишга кирганда меҳнат дафтарлари берилган, лекин ҳозир бу амалиётда қўлланилмайди[5]. Шунга қарамасдан, собиқ совет иттифоқи мамлакатлари, шулар қаторида Украинада ишчи-ходим тўғрисидаги ахборотлар қоғоз ҳужжатларида кўрсатилади. Шунинг айтиш керакки, Германия ва Италияда ҳукумат амалиётга киритган меҳнат дафтарлари узок муддат ишлади, Германия Иккинчи жаҳон урушидан кейин меҳнат дафтарлари «арбайтбухи»дан воз кечди. Италияда 2000 йилгача меҳнат дафтарлари ишлади. Кейинги йилларда меҳнат дафтарларидан фойдаланиш тўхтатилган давлатлардан бири-Вьетнамдир. Турли мамлакатларда меҳнат дафтарлари, аввал қоғоз кўринишида, ҳозир солиқ тўловчиларнинг ишчи ходимлар тўғрисидаги ягона электрон тизимидан фойдаланилади, бу тизим турли мамлакатларда ҳар хил номланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 14 апрелдаги 90-сон қарори билан “Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини яқка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестрини шакллантириш ва юритиш тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиладиган солиқ ҳисоботларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия

вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри тузилади. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда фуқароларга 2016 йилдан бошлаб Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фуқароларнинг ўтказилган суғурта бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш бўйича давлат интерактив хизмати жорий этилди. Пенсия жамғармасининг электрон сўрови Давлат Солиқ Қўмитасининг Марказлашган ДСҚнинг Марказлашган ахборот базасида жойлашган маълумотлардан фойдаланишга ҳуқуқ бериш учун асос ҳисобланади. Пенсия жамғармасининг электрон сўрови келиб тушганда, ДСҚнинг Марказлашган ахборот базаси якка тартибдаги ҳисобга олишнинг тегишли маълумотларини шакллантиради ва юборади. Иш билан банд бўлган шахснинг иш стажи Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ органлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида Пенсия жамғармаси бўлимининг суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқлайдиган маълумотномаси бўйича белгиланади. Мамлакатимизда жамият, давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтариш ва ушбу муносабатларни самарали ташкил этиш, бошқариш ва таҳлил этиш мақсадида “Электрон ҳукумат” тизими яратилди. Ахборот-коммуникацион тизимлардан фойдаланган ҳолда, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш фуқаролар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, давлат хизматлари кўрсатишга қаратилган давлат бошқарувининг замонавий ташкилий шакли десак бўлади.

Ҳақиқатдан, Пенсия жамғармасига ДСҚнинг Марказлашган ахборот базасида ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадалларини якка тартибдаги ҳисобга олишнинг тегишли маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқини берилиши мамлакатимизда давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш ишларини тўлиқ назорат қилишга ёрдам беради. Ўзбекистонда ҳозирги шароитда пенсия ва ижтимоий нафақаларни ҳисоблаш ва тайинлашда меҳнат стажи ўрнига суғурта бадаллари тўланган даврлар ҳисобланиши керак. Бугунги кунда меҳнат стажи ҳақидаги маълумотлар Пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестридан олинади. Амалиётдаги қоғозда меҳнат дафтари юритиш, бошқарувчи ходимларнинг анча вақтини талаб қилувчи ортикча ишга айланди. “Электрон меҳнат дафтари” тизимини жорий этиш нафақат пенсия таъминоти тизимида, балки меҳнат бозорини янада ривожлантириш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш ва бандликни рағбатлантириш бўйича кўзда тутилган чоратadbирлар ичида муҳим аҳамиятга эга. Бу янгилик кадрлар бўлимидаги ишларни осонлаштиради, қоғозбозликни қисқартиришга имкон яратади, чунки, ишчи-

ходимлар тўғрисидаги барча шахсий маълумотлар Пенсия жамғармасига электрон кўринишда юборилади.

Ходимларнинг иш жойи ва давлат ижтимоий суғуртасига тўлов қилган даври бўйича рўйхатга олишнинг “электрон меҳнат дафтари” тизимини жорий этиш, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб биринчи марта ишга жойлаштирилган ходимларга қоғоз шаклидаги меҳнат дафтарлари берилишини тўхтатиш ва меҳнат дафтарларидаги ёзувларни солиқ тўловчининг индивидуал рақами (СТИР) ва фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тўлови бўйича индивидуал рақами (ПТИР) асосида, ходимнинг иш жойи ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўловлар амалга оширилган даври бўйича ҳисобга олиш билан босқичма-босқич алмаштириб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. \ \ Халқ сўзи. 2016 йил. 8 декабр.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича илмий- услубий рисола. / Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент давлат иқтисодиёт университети. –Т.: “Манавият” нашриёти. 2017. Б.32.
3. Каримов И. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: “Ўзбекистон”. 2013. –Б.28.
4. Мировой опыт применения электронных трудовых книжек. https://i-news.kz/news/2017/06/03/8519229-mirovoi_opyt_primeneniya_elektronnyh_tru.html
5. Жизнь без трудовых книжек: опыт других стран. <http://thekievtimes.ua/society/445895-zhizn-bez-trudovykh-knizhek-opyt-drugix-stran.html>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4760-сон Фармони. 2017 йил. 24 май.
7. Бегалов Б. Пенсия тизимида ахборот коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш йўллари. Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тизимининг долзарб муаммолари. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Тошкент. 2017 й. 24 март -Б.3-5.